



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2018 йил 20 декабрь, № 263 (7221) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING 2019 ЙИЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ИНВЕСТИЦИЯ ДАСТУРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда инвестиция сиёсатини тубдан такомиллаштириш ва ислоҳ қилиш, уни амалга ошириш юзасидан замонавий, самарали ёндашув ва механизмларни жорий этиш, шунингдек, инвестиция жараёнларини жадаллаштириш ва умуман ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар, авваламбор, иқтисодий тармоқларини, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини жадал ривожлантириш ва модернизация қилишни, саннат ишлаб чиқаришни комплекс диверсификация қилиш ва унинг рақобатбардошлигини оширишни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Фаол инвестиция сиёсатини давом эттириш, амалдаги ишлаб чиқаришларни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва янги юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш бўйича стратегик ва муҳим аҳамиятга эга бўлган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун инвестицияларни, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш ҳамда самарали ўзлаштириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни инobatга олган ҳолда саъй-ҳаракатларни жамлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, шунингдек, бунинг асосида аҳоли бандлигини, уларнинг турмуш даражаси ва сифати оширилишини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси томонидан Молия вазирлиги, манфаатдор вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда ишлаб чиқилган, қўйидагиларни назарда тутувчи **Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган Инвестиция дастури:**

2019 йилда капитал қўйилмаларнинг асосий параметрлари 1-иловага* мувофиқ;
2019 йилда ижтимоий, уй-жой, муҳандислик ва транспорт инфратузилмаси объектларини ишга тушириш прогнози 2-иловага мувофиқ;

2019 йилда объектлар ва ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш манзилли дастури 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Қўйидагилар:
а) Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилмаган, 2019 йилда объектлар куриш ва уларни реконструкция қилиш манзилли дастури 4-иловага мувофиқ;

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

МОДДИЙ МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ СОҲАСИДАГИ ФАОЛИЯТНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон халқининг умуммиллий бойлиги ҳисобланган маданий меросимизни муҳофаза қилиш, илмий ўрганиш ва ундан фойдаланиш борасида мамлакатимизда қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Бухоро, Самарқанд, Хива ва Шахрисабз шаҳарларининг тарихий марказлари ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон маданий мероси рўйхатига, "Бойсун маданий муҳити", "Шашмақом музикаси", "Наврўз", "Катта ашула", "Аския", "Палов маданияти ва анъаналари" номзодлари Инсоният номодий маданий мероси репрезентатив рўйхатига, Усмон Қуръони, Абу Райҳон Беруний номидидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар тўплами, Хива хонлиги девонхонаси ҳужжатлари Жаҳон хотираси рўйхатига киритилгани юртимиз маданий меросининг дунё миқёсида эътироф этилганига ёрқин мисол бўла олади.

Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизими янада такомиллаштирилди. Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурда Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш маркази ва Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази ташкил этилди.

Шу билан бирга, моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш учун масъул органнинг ташкилий-шарҳат тўзилмаси соҳада давлат назоратини самарали ташкил этиш имконини бермапти.

Соҳада фундаментал ва амалий тадқиқотларни ташкил этишда фан ва инновация технологиялар ютуқларидан самарали фойдаланмаслик натижасида лойиҳалаш, реставрация-тиклаш ишлари моддий маданий мерос объектларининг ноёблигини сақлаб қолишга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, илмий ўрганиш, улардан оқилона фойдаланиш ва юртимизнинг сайёҳлик салоҳиятини оширишда уларнинг ўрни ва аҳамиятини ошириш ҳамда моддий маданий мерос соҳасидаги давлат назоратини тубдан такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси ҳамда унинг минтақалараро (минтақавий) давлат инспекциялари негизида **Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузурда Маданий мерос департаменти** (кейинги ўринларда Департамент деб юритилади) ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ташкил этилсин.

(Давоми 2-бетда).



«ТУБ ИСЛОҲОТЛАР НАФАҚАТ ЎЗБЕКИСТОНГА, БАЛКИ БУТУН МИНТАҚАГА ИЖОБИЙ ЯНГИЛАНИШЛАР ОЛИБ КИРДИ»

Сўнгги вақтларда Ўзбекистон дунё оммавий ахборот воситаларида энг кўп ёритилаётган мавзулардан бирига айланди. Бундан иссиқ йил олдин Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан белгилаб берилган ислохотлар бугун жадал суръатларда давом этирилмоқда. Бинобарин, ўзбек дипломатиясининг ютуқлари эксперт доиралари, жамоатчилик ва юртимиздаги дин соҳаси вакиллари орасида ҳам кенг эътироф этилаётди.

Масалан, биргина охириги икки ойнинг ўзига мамлакатимиз, умуман, минтақага доир қатор муҳим воқеалар рўй берди. Ноябрь ойида Самарқандда инсон ҳуқуқлари бўйича биринчи Осие форуми ташкил этилди, БМТ шафелигида Оролбўйи минтақаси учун Инсон ҳавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида траст фонди тузилди.

Декабрь ойида океанортидан муҳим хабар олинди. АҚШ Давлат департаменти диний эркинликни таъминлаш соҳасида мамлакатимиз эришган муваффақиятларни тан олган ҳолда Ўзбекистонни "алоҳида хавотир уйғотадиган давлатлар рўйхати" (СРС)дан чиқарди.

Орадан бир неча кун ўтиб, республикамиз яна етакчи таҳлилчилар ва жаҳон ОАВ эътибори марказида бўлди. 2018 йил 12 декабрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси "Маърифат ва диний бағрикенглик" деб номланган махсус резолюцияни қабул қилди. Бу Ўзбекистон раҳбарияти томонидан илгари сурилган ташаббусларнинг яна бир ҳаётий ифодасига айланди.



СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИ ДЕПУТАТЛАР ОЛДИДА ҲИСОБОТ БЕРДИ

2018 йил 19 декабрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисида депутатлар Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А. Шодмоннинг вазирликнинг аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш борасидаги фаолияти тўғрисидаги ахборотини эшитдилар.



Таъкидландики, давлатимиз раҳбарининг соҳага алоҳида эътибор қаратаётгани, ушбу йўналишда халқни рози қилишга йўналтирилган тадбирлар қўламини тобора кенгайтирилаётгани туфайли тизимда бирмунча ибратли ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. Жумладан, ўтган даврда қишлоқ врачлик пунктлари, шаҳар ва қишлоқ оилавий поликлиникаларини оптималлаштириш орқали бирламчи тиббий-санитария ёрдамини кўрсатиш тизими такомиллаштирилди. Шошлинч тиббий ёрдам кўрсатишнинг ягона марказлашган тизими яратилди. Республика иختисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари иш услублари ўзгарди. Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича қатор мақсадли миллий дас-

турлар амалга оширилди. Болаларнинг ирсий ва туғилма касалликлар билан туғилишининг олдини олиш мақсадида республика ва ҳудудий скрининг марказлари ташкил этилди.

Президентимиз Фармони билан тасдиқланган 2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси соҳанинг истиқболдаги ривож учун янги даврни бошлаб берди.

Парламент эшитувида депутатлар соғлиқни сақлаш вазири эътиборини соҳадаги мавжуд камчиликлар, ечимини кутаётган қатор муаммолар ҳамда фуқароларимиз томонидан билдирилаётган мурожаатларга қаратдилар.

Депутатларнинг фикрига кўра, давлатимиз раҳбари томонидан тиббиёт ходимларининг 2 ставкага ишлаши учун шароит яратилган, иш-

ловчи шифокорларга пенсиясини 100 фоиз олиши мумкинлиги масалалари аллақачон ҳал этилган, тиббиёт олий ўқув юрти битирувчиларини соҳага жалб қилиш каби бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилаётган бўлса-да, вазирлик ўзига боғлиқ қатор масалаларни охиригача ҳал этмаган. Шифокорлар даврий тиббий кўриқдан ўтиши, малака ошириши ёки қайта иختисослаштириши эмас, балки даволашга қаратмоқдалар.

Парламент аъзолари вазирлик томонидан иختисослаштирилган марказлар фаолиятига замонавий АКТни кенг жорий этиш орқали шаффофликни таъминлаш, беморларга навбатсиз даволаш имконини яратиш борасида суностиликка йўл қўйилаётганини танқид қилдилар.

Бугунги кунда иختисослаштирилган тиббиёт марказлари сони 16 тага етди. Ушбу марказлар раҳбарлари ва малакали мутахассислари жойларда ўз ишларини ташкил қилмоқда, мураккаб жарроҳ-

БИЗ ва ЖАҲОН

Абдулла ХўЖА: «ЎЗБЕКИСТОНДАГИ КЕНГ ҚАМРОВЛИ ЎЗГАРИШЛАРНИ БУНДАН КЕЙИН ҲАМ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙМИЗ»

2018 йилнинг 15 декабрь куни Ўзбекистон Республикасининг Америка Қўшма Штатларидаги элчиси Жавлон Ваҳобов Туркистон — Америка уюшмаси президенти Абдулла Хўжага давлатимизнинг "Дўстлик" орденини тантанали равишда топширди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 11 декабрь куни Абдулла Хўжани миллий кадриятларимиз ҳамда анъаналаримизни авайлаш, АҚШдаги ватандошларимизни жиқслаштириш, Ўзбекистон ва Америка халқлари ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашдаги фидокорона хизматлари учун "Дўстлик" ордени билан тақдирлашга оид Фармонни имзолаган эди.



Эътироф

— Шуни фахр билан таъкидламоқчиманки, муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев мени Ўзбекистоннинг юксак мукофоти — "Дўстлик" орденига муносиб деб топди, — дея ҳаяжон билан фикр билдирди Туркистон — Америка уюшмаси раҳбари. — Бу воқеа мен учун юксак шарафдир. Ушбу давлат мукофоти менга Ўзбекистонимизнинг равнақи йўлидаги саъй-ҳаракатларни бундан кейин ҳам янада шайхот билан илгари суриб кетилган масъулият юклайди,

азиз Ватанимизга қанчалик яқин бўлиб турганимизнинг белгисидир. Бугунги кунда жонажон Ўзбекистонимизда катта ўзгаришлар ва самарали ислохотларнинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Уюшма аъзолари номидан ишонтириб айтманки, Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қамровли ўзгаришларни бундан кейин ҳам ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз, унинг равнақи йўлида ўз ҳиссамизни қўшишда давом этамиз.

Абдулла Хўжа Ўзбекистон Республикаси мустақи-

ликка эришган кунни Америкадаги ватандошларимизнинг узоқ йиллик орзуси ушалган сана сифатида қабул қилганини алоҳида таъкидлаб ўтди. У хориждаги ватандошлар билан олиб борилаётган фаол мулоқот, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оғирини енгиллаштиришга йўналтирилган саъй-ҳаракатлар учун Ўзбекистон раҳбарига чўқур ва самимий миннатдорлик изҳор этди.



ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

АТОМ ЭНЕРГИЯСИГА ОИД ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

Иқтисодийнинг ривожланиши, аҳоли сони ва турмуш даражасининг ўсиши ҳисобида Ўзбекистонда электр энергиясига бўлган талаб ортинчи кутилмоқда. Шу боис техник имкониятлар инobatга олинган ҳолда мамлакатда илк атом электр станциясининг қурилиши юзасидан қарор қабул қилинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида атом энергетикаси бўйича "Росатом" давлат корпорацияси бош директорининг биринчи ўринбосари А. Лоқшин бошчилигидаги делегация билан бўлиб ўтган учрашувда шу хусусда сўз юритилиб, атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш бўйича ҳамкорлик истиқболлари муҳокама этилди.

Меҳмонларга Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ислохотлар хусусида маълумот берилди. Таъкидландики, икки давлат етакчилигининг сиёсий иродаси туфайли Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бормоқда. Мамлакатлар ҳукуматлари ўртасида Ўзбекистон ҳудудида атом электр станцияси қуриш бўйича Келишув имзоланган. Айни пайтда "Атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Шунингдек, яқинда Россия Федерациясининг атом энергетикаси соҳасидаги илғор иш тажрибаси билан танишиш мақсадида Ўзбекистон делегацияси Нововоронеж АЭСга ташриф буюрди.



Маҳаллий Кенгашларда

МУРОЖААТЛАР МУТАСАДДИЛАР ЭЪТИБОРИДАН ЧЕТДА ҚОЛМОҚДА. НЕГА?

Наманган шаҳридаги Бунёдкор ва Гулистон маҳаллалари ҳалигача марказий газ тармоғига уланмаган. Устига-устак, бу сингари маҳаллаларга суюлтирилган газ етказиб бериш масаласи ҳам рисоладагидек ташкил этилаётгани йўқ. Кўп қаватли уйлардаги аҳвол, айниқса, уларни иситиш мавсумига тайёрлаш борасидаги камчиликлар қатор қийинчиликларни келтириб чиқармоқда.

Мисол учун, Умид маҳалласида жойлашган 6-тураржой биноси 1961 йилда қурилган. Ҳозирги кунда авария ҳолатига тушиб қолган жойда истиқомат қилаётган 44 та хонадон эгаларининг ҳасратидан чанг чиқади. Юқори Ровустон маҳалласидаги икки қаватли уйнинг табиий газ, ичимлик суви ва иссиқлик тизимидан узиб қўйилганлиги ҳам қишнинг қорли-қировли кунлари бўлса-да,

мутасаддиларни ташвишга солмаяпти. Худудлардаги ижтимоий-иқтисодий аҳволни ва аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни ўрганиш бўйича Республика ишчи гуруҳи ўз фаолияти натижаларини халқ депутатлари Наманган шаҳар Кенгашининг сессиясига тақдим этди.



Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, йўл-транспорт ҳодисаси туфайли дунёда йилига 1,2 миллион киши вафот этмоқда, 20 миллиондан зиёд одамлар жароҳат оляпти. Бундай ҳолатларда, асосан, аҳолининг фаол қисми автохалокат қурбонига айланаётди, яъни уларнинг аксарияти 20 — 35 ёшга бўлган инсонлардир. Афсуски, мамлакатимизда ҳам автотранспорт ҳодисалари оқибатида қурбон бўлаётганлар, унинг жабрини тортаётганлар кам эмас. Хўш, бунга ким айбдор ва шу каби бахтсиз ҳодисаларнинг юз беришига нима сабаб бўлмоқда?



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ 2019 ЙИЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ИНВЕСТИЦИЯ ДАСТУРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланishi 1-бетда).

б) марказлаштирилган инвестициялар ҳисобидан молиялаштириладиган;

2019 йилда мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш, шунингдек, техникалар харид қилиш манзилли дастури 5-иловага мувофиқ;

2019 йилда автомобиль йўллари, кўприклар ва йўл-ўтказгичлар қуриш ва реконструкция қилиш, шунингдек, объектларни жиҳозлаш ва техникалар харид қилиш манзилли дастури 6-иловага мувофиқ;

2019 йилда олий таълим муассасалари, ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатлари, болалар мусиқа ва санъат мактаблари, тиббий, илмий-тадқиқот, умумтаълим ва мактабгача таълим муассасалари объектларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш манзилли дастурлари 7, 7а, 7б, 7в, 7г, 7д ва 7е-иловаларга мувофиқ;

2019 йилда ичмилки суви таъминоти ва канализация тизимлари объектларини қуриш ва реконструкция қилиш манзилли дастури 8-иловага мувофиқ;

2019 йилда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятда лойиҳаларни молиялаштиришни ташкил қилган ҳолда Оробўйни минтақасини ривожлантириш манзилли дастури 9-иловага мувофиқ;

в) **2019 йилда Ўзбекистон Республикаси давлат кафолати билан хорижий кредитларни жалб қилган ҳолда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг манзилли дастури** 10-иловага мувофиқ;

г) **2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жағмармаси маблагларини жалб қилган ҳолда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг манзилли дастури** 11-иловага мувофиқ;

д) **2019 йилда тармоқ инвестиция лойиҳалари доирасида инвестицияларни ўзлаштириш йўлга манзилли дастури** 12-иловага мувофиқ;

е) марказлаштирилмаган инвестициялар ҳисобидан молиялаштириладиган:

2019 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб қилган ҳолда амалга ошириладиган тармоқ инвестиция лойиҳаларининг манзилли дастури 13-иловага мувофиқ;

2019 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилган ҳолда амалга ошириладиган ҳудудий инвестиция лойиҳаларининг манзилли дастури 14-иловага мувофиқ;

ж) куйидагилар:

2019 йилда лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлашни жадаллаштириш талаб этиладиган инвестиция лойиҳалари рўйхати 15-иловага мувофиқ;

2019 йилда қўриб чиқиладиган истиқболли инвестиция ва инфратузилма тармоқ лойиҳалари рўйхати 16-иловага мувофиқ;

2019 йилда лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқиладиган ҳамда тасдиқланадиган, қурилиши ва реконструкция қилиниши Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши назарда тутилаётган объектлар рўйхати 17-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган инвестициялар ҳисобидан молиялаштирилиш назарда тутилаётган ижтимоий соҳа объектлари рўйхати

2019 йилда лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқиладиган ва тасдиқланадиган, марказлаштирилган инвестициялар ҳисобидан молиялаштирилиш назарда тутилаётган ижтимоий соҳа объектлари рўйхати 18-иловага мувофиқ маъқуллансин.

3. Белгилансинки:

лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш натижалари бўйича лойиҳалар (объектлар) юзасидан рўйхатларга ва капитал қўйилмалар лимитларига (қийматига) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Инвестициялар, инновацион ривожлантириш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари комплекси раҳбарининг қарорлари билан **аниқлик ва тузатишлар киритилиши мумкин**;

лойиҳалар (объектлар) бўйича **тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига ўзгартриш ва қўшимчалар** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига асосан киритилади;

қурилиш ҳамда тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига ўзгартриш ва қўшимчалар киритиш жараёنларига **тегишли ваколатга эга бўлмаган шахсларнинг аралашувиغا йўл қўйилмаydi**.

4. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг ривожланш давлат дастурларини молиялаштириш жағмармасига (кейинги ўринларда — Ривожланиш жағмармаси) Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жағмармалар маблагларини ўтказиш мазкур қарор билан маъқулланган манзилли дастурларга киритилган лойиҳаларни молиялаштириш учун аввал ажратилган маблаглар сарфланганлиги Ривожлантириш жағмармаси томонидан тасдиқланишига қараб амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги зиммасига лойиҳаларни амалга ошириш учун зарур бўлган маблаглар Ривожланиш жағмармасига молиялаштириш жадвали асосида ўз вақтида ўтказилишини таъминлаш юзасидан жавобгарлик юклансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда уч ой мuddатда жалб этилаётган кредитларнинг гаров таъминоти учун **Ўзбекистон Республикаси ташқи қарзларнинг ва давлат кафолатлари суммасининг чекланган ҳажми меъёрларини** ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари — мазкур қарор билан маъқулланган манзилли дастурларга киритилган лойиҳалар бююртмачилари (кейинги ўринларда — лойиҳалар бююртмачилари):

икки ҳафта мuddатда — йилдан-йилга ўтиб келаётган лойиҳаларни молиялаштириш манбалари ва ҳажмларини қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишнинг календар жадваллари билан узвий боғлиқликда аниқлаштирган ҳолда, улар бўйича **2019 йилга мўлжалланган қурилишларнинг манзилли рўйхати** ишлаб чиқилишини ҳамда Ўзбекистон Республикаси

Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Молия вазирлигига тақдим этилишини;

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги билан биргаликда уч ҳафта мuddатда — марказлаштирилган инвестициялар ҳисобидан молиялаштириладиган, **2019 йилда янгидан бошланадиган лойиҳалар бўйича лойиҳа ҳужжатларини** тасдиқлаш ишлари якулланшини;

— **икки ой мuddатда тасдиқланган лойиҳа ҳужжатлари асосида — тендер (танлов) ҳужжатлари комплекс экспертизадан** ўтказилишини, белгиланган тартибда янги бошланадиган лойиҳалар бўйича харид қилиш тартиб-таомиллари якулланшини ва тендер (танлов) ёғилблари билан пудрат шартномалари тузилишини;

харид қилиш тартиб-таомиллари якулланганидан сўнг бир ҳафта мuddатда — **янгидан бошланадиган лойиҳалар бўйича қурилишларнинг якуний манзилли рўйхатлари** келишиш учун Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Молия вазирлигига тақдим этилишини;

икки ҳафта мuddатда — мазкур қарорнинг 10, 11, 12, 13 ва 14-иловаларига киритилган лойиҳаларни амалга оширишнинг комплекс **тармоқ жадваллари** Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигига тақдим этилишини;

бир ой мuddатда — мазкур қарорнинг 15-иловасига киритилган лойиҳалар асосидан лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш бўйича **“йўл хариталари”** Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун тақдим этилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой мuddатда:

республика шаҳарлари ва шаҳар посёлкаларининг ишлаб қилган ва бугунги кунга қадар тасдиқланмаган бош режалари лойиҳаларини уларнинг асосий қондалари ва техник-иқтисодий кўрсаткичлари асослантирилганлиги нуқтани назаридан ўрганиб чиқилишини;

шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш тартибини, уларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ тадбирларни молиялаштириш механизмларини тақомиллаштириш, шунингдек, хусусий лойиҳа-қидирув ташкилотлари фаолиятини рағбатлантириш, ушбу соҳага инновацион ечимллари ва илгор хорижий тажрибани жорий этиш бўйича тақлифлар тайёрланишини;

ажратилаётган маблаглар самарадорлигини оширишга, шунингдек, йўл инфратузилмасини ва умуман тармоқни ривожлантиришга қаратилган давлат-хусусий шериклиkning замонавий механизмларини жорий этишни инобатга олган ҳолда, автомобиль йанализлари лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлаш соҳасидаги ишларни янада тақомиллаштириш, уларнинг самарадорлигини ошириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилишини таъминласин.

8. **Вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарлари** зиммасига:

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни туьдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

(Давоми. Бошланishi 1-бетда).

Департаментнинг асосий вазифалари этиб куйидагилар белгилансин:

моддий маданий мерос, шу жумладан, археология мероси объектлари, музей ашёлари ва коллекциялари ҳамда маданий бойликларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишга оид қонун ҳўжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш;

моддий маданий мерос объектларининг давлат кадастрини юритиш, тарихий, илмий, бадий ёки ўзгача маданий қимматга эга бўлган объектларни аниқлаш, уларни ҳўжатлаштириш ва давлат ҳисобига олиш, моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари тоғналари ва қўриқланадиган теғраларини белгилаш, шунингдек, улардан оқилона фойдаланилишини таъминлаш;

тарихий-маданий ва лойиҳа-смета ҳўжатларининг экспертизасини, моддий маданий мерос объектларининг тарихий-маданий қиммати ва ноёблигини асрашга доир ишларни пугур етказмаган ҳолда амалга оширилиши бўйича улзуксиз илмий-техник назоратни олиб бориш;

алоҳида муҳофаза қилинадиган тарихий-маданий ва жаҳон маданий мероси объектлари жумласига киритилган ҳудудларда шаҳарсозлик ва бошқа ҳўжалик фаолиятларини уларнинг тарихий-маданий муҳити, табиий ландшафти ва ўзига хослигини сақлаб қолган ҳолда олиб борилишини мувофиқлаштириш;

археология ашёлари давлат каталогини юритиш, археология тадқиқотларини амалга ошириш тартиби ва шартларига риоя қилиниши, археология ашёларининг ўз вақтида ҳисобга олиниши ва давлатга топширилишини назорат қилиш ҳамда уларни фан, маданият ва таълим муассасаларига бириктириш, шунингдек, археология тадқиқотлари бўйича илмий ҳисоботларни қабул қилиш, экспертизадан ўтказиш ва архивини йиғиш, археология ёдгорлигини консервациялаш ҳамда музейлаштириш;

миллий музей фондининг давлат каталогини юритиш, музей ашёлари ва коллекцияларини музей фонди тасарруфидан чиқариш ёки бошқа музей фондига ўтказиш, маданий бойликларни реализация қилиш учун руҳсатномалар бериш, шунингдек, давлат томонидан муҳофаза рўйхатлари ва реестрларига киритилган маданий бойликлар, жумладан, музей ашёлари ва коллекциялари, қадимий ёзма манбаларнинг бут сақланишини ва ҳисоби юритилишини теқшириш, миллий архив фонди бундан мустасно; олимлар, халқ усталари, реставраторлар, экспертлар билан яқин ҳамкорлик қилиш, таъмиршуносликдаги ўзига хос услуб, анъана ва мактабларини ривожлантириши, жамоатчилик назоратини амалга оширишни қўллаб-қувватлаш;

моддий маданий мерос объектларини кенг тарғиб этиш ва оммалаштириш, соҳага давлат-хусусий шериклик механизмларини, инновацион ва илгор ахборот-коммуникация технологияларини самарали татбиқ этиш, электрон хизматларни ривожлантириш; халқаро ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш, жумладан, молиявий институтларнинг грантлари, кредитлари ва ҳомийлик хайрияларини жалб этиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги музейлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи идораларор кенгаш ҳамда Маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича Ҳукумат комиссияси тугатилсин, уларнинг вазифа ва функциялари Департаментга юклансин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

а) Департамент юридик шахс ҳисобланади ва давлат муассасаси шаклида ташкил этилади;

б) Департамент бошлиги лавозимига кўра Ўзбекистон Республикаси маданият вазирининг ўринбосари ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

в) бош меъмор ва бош инспектор Департамент бошлигининг ўринбосарлари ҳисобланади ҳамда Ўзбекистон Республикаси маданият вазирининг тақдимномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

г) Департамент:

моддий маданий мерос, жумладан, археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасида махсус ваколатли муассаса ҳисобланади;

ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари давлат ва

ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро етувчи ҳокимият органлари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига моддий маданий мерос объектлари соҳасида аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартароф этиш тўғрисида қўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимнома киритади;

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармасининг ҳўқуқлари ва мажбуриятлари бўйича ҳўқуқий вориси ҳисобланади, меҳнатга оид муносабатлар бундан мустасно;

д) моддий маданий мерос объектларига оид норматив-ҳўқуқий ҳўжатлар лойиҳалари ва аҳоли пунктларининг бош режалари Департамент билан келишилиши мажбурий ҳисобланади.

4. **2019 — 2021 йилларда моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, илмий тадқиқ этиш, тарғиб қилиш ва улардан оқилона фойдаланишни тубдан тақомиллаштириш бўйича “Йўл харитаси”** (кейинги ўринларда — “Йўл харитаси”) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги (Б. С. Сайфуллаев):

Молия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда “Йўл харитаси”да назарда тутилган теғишли тадбирларни молиялаштириш манбалари ва миқдорларини белгилаш бўйича ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритиб борсин;

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда соҳага итмиёзли хорижий кредитлар ва грантларни жалб қилиш бўйича халқаро молиявий институтлар ва хорижий донорлар билан тизимли ишлар олиб борсин.

6. Департамент қошида тарих, меъморчилик, моддий маданий мерос соҳасида илмий, амалий тажрибага эга бўлган 11 нафар олим ва юқори малакали мутахассислардан иборат **Илмий-эксперт кенгаш тuzилсин**.

Белгилаб қўйилсинки:

Илмий-эксперт кенгаш таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади ва унга Департамент бошлиги раҳбарлик қилади;

Илмий-эксперт кенгаш аъзоларига давлат суд экспертлари учун қонун ҳўжатларида белгиланган ҳўқуқ ва мажбуриятлар татбиқ этилади;

моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари ва уларнинг қўриқланадиган теғраларида ер қазиб, ер тузиш, қурилиш, мелиорация ва бошқа ҳўжалик ишлари, асрашга доир ишларни амалга ошириш ҳамда илмий ва илмий-техник тадқиқотлар ўтказишга оид лойиҳалар Департамент томонидан Илмий-эксперт кенгаш билан келишилади ва унинг ҳулосаси Департамент учун мажбурий ҳисобланади.

7. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ва Молия вазирлигининг маблаглари куйидагилар ҳисобига шақллантириладиган, юридик шахс мақомига эга бўлмаган Департаментнинг бюджетдан ташқари **Маданий мерос жағмармасини** (кейинги ўринларда — Жағмарма) ташкил этиш тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин:

Департамент, унинг ҳудудий бошқармалари ва давлат музей қўриқхоналарига теғишли моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларини ижарага беришдан тушган маблагларнинг 90 фоиз миқдори, қонун ҳўжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно;

давлат мулки бўлган бошқа ташкилотларга теғишли моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларини ижарага беришдан тушган маблагларнинг 50 фоиз миқдори;

Департамент ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларининг тарихий-маданий экспертизасини ўтказишдан, шунингдек, асрашга доир ишларнинг лойиҳа-смета ҳўжатлари экспертизаси ва илмий-техник назоратини амалга оширишдан тушган маблаглар;

моддий маданий мерос объектида асрашга доир ишларни

амалга ошириш ва маданий бойликларни реализация қилиш учун руҳсатномалар беришга тўланган ййғимлар;

моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш қондаларини бузганлиги ҳамда моддий маданий мерос объектларини нобуд қилиш, бузиш ёки уларга шикаст етказганлиги учун тўланадиган жарималар;

давлат мулки ҳисобланган моддий маданий мерос объектларига етказилган зарарни қоплаш бўйича маблаглар; қонун ҳўжатлари билан таққиланмаган бошқа маблаглар.

8. Белгилансинки, Жағмарма маблаглари:

моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва асрашга доир ишларни амалга ошириш;

моддий маданий мерос объектларининг давлат кадастрини, археология ашёлари ва миллий музей фондининг давлат каталогларини юритиш;

моддий маданий мерос объектларини илмий ва илмий-техник тадқиқ қилиш, археология объектларида қазилма ишларини олиб бориш, уларни кенг тарғиб этиш ва оммалаштириш;

Департамент ва ҳудудий бошқармаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, электрон хизматларни ривожлантириш; экспертлар, жумладан, хорижий мутахассисларни жалб этиш, Илмий-эксперт кенгаш аъзолари, Департамент ва ҳудудий бошқармаларнинг ходимларини моддий рағбатлантириш;

қонун ҳўжатларида белгиланган Департамент фаолияти билан боғлиқ бошқа тадбирларни амалга ошириш учун сарфланади.

9. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Фанлар академияси ва Ўзбекистон Бадий академиясининг:

Бухоро давлат бадийи-меъморий музей-қўриқхонаси, Самарқанд давлат бирлашган тарихий-меъморий ва бадийи музей-қўриқхонаси, Хива “Ичан-Қалъа” давлат музей-қўриқхонасини теғишлик **“Бухоро”, “Самарқанд”, “Ичан қалъа” давлат музей-қўриқхоналари этиб қайта номлаш**;

Навоий, Қашқадарь, Сурхондарь ва Фарғона вилоятларида теғишлик **“Сармисшой”, “Шахрисабз”, “Термиз” ва “Кўкон” давлат музей-қўриқхоналарини ташкил этиш тўғрисидаги тақлифлари** маъқуллансин.

10. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси рўйхатида тарихий-маданий қийматига кўра киритилган республикадаги ҳудудлар алоҳида муҳофаза қилинадиган тарихий-маданий ҳудудлар ҳисобланади ҳамда уларда режалаштирилган қурилиш ва ободонлаштириш ишларининг лойиҳалари Департамент ҳамда ЮНЕСКОнинг Уммуажҳон мероси маркази билан мажбурий тартибда келишилган ҳолда амалга оширилади;

моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади;

моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларидан фойдаланиш тартибини белгилаш, ташриф бююрувчилар учун шартноз яратиш билан боғлиқ масалалар мажбурий тартибда туризм соҳасида ваколатли давлат органи билан келишилади;

давлат кўчмас мулки ҳисобланган моддий маданий мерос объектларини оператив бошқарув ҳўқуқи асосида ёки текин фойдаланиш ҳўқуқи асосида бириктириш Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида амалга оширилади;

археология қазилмалари табиий емврилиш, бошқа ҳаракат ва ҳолатлар ҳавфи остидаги ҳамда устувор илмий қимматга эга археология ёдгорликларида амалга оширилади ва уларнинг рўйхати Департамент томонидан эълон қилиб борилади;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблаглари ҳисобидан асрашга доир ишлар амалга ошириладиган моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари рўйхати ҳар йили Департамент томонидан унинг ҳудудий бошқармалари тақлифига асосан шақллантирилади;

моддий маданий мероснинг к


«ТУБ ИСЛОҲОТЛАР НАФАҚАТ ЎЗБЕКИСТОНГА, БАЛКИ БУТУН МИНТАҚАГА ИЖОБИЙ ЯНГИЛАНИШЛАР ОЛИБ КИРДИ»



Фредерик СТАРР, АҚШдаги Марказий Осиё ва Кавказ институти асосчиси ва раиси:

— Диний бағрикенглик ҳамда дин соҳасида мўтадиллик борасида махсус резолюция қабул қилиниши улкан аҳамиятга эга. Сабби, у нафақат бағрикенглик тушунчасини белгилаб беради, балки динга нисбатан янги ёндашув — таълим ва маърифатни тақдир этади. Нотўғри талқин барча динлар учун умумбашари масалалар.

Аҳолисининг асосий қисми ислом динига эътиқод қилувчи мамлакат ана шундай ташаббус билан чиқатгани диққатга сазовордир. Ўзбекистон ислом дини бўйича ҳам чуқур тарихга эга. Фирқимча, Ўзбекистон томонидан бағрикенглик ва маърифатнинг қўллаб-қувватланиши республика ушбу жаҳада етакчига айланишига хизмат



қилади. Ўзбекистон халқини маъқур ютқ билан табриқлайман.

Усмонхон АЛИМОВ, Ўзбекистон муслмонлари идораси раиси, муфтий:

— Барчамиз фахру гурур билан эслаймиз, 2017 йилнинг сентябрь ойида Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Президентимиз Шавкат Мирзиёев сўзлаган нутқ барчада улкан таассурот уётган, дунё бўйича катта аса садо берган эди. Ушунда Юртбошимиз сессия иштирокчиларига БМТ Бош Ассамблеясининг «Маърифат ва диний бағрикенглик» деб номланган махсус резолюциясини қабул қилиш таклифи билан мувожаат этганлиги. Барча давлатлар томонидан маъқулланган ушбу резолюция БМТга аъзо мамлакатлар давлатимиз раҳбари ташаббусига юксак баҳо берганини билдиради. Бинобарин, унда инсон қадр-қиммати, обрў-эътибори ва шаънинининг улуғлигига алоҳида эътибор қаратилган.

Президентимиз бугунги мураккаб даврда янгида янги пайдо бўлаётган таҳдидлар ҳамда муаммоларнинг олдини олишда маърифат, таълим-тарбия ва диний бағрикенгликнинг аҳамияти юқори эканини муниазам таъкидлайди.

Хазрати Пайгамбаримиз солаллоху алайхи васаллам шундай марҳамат қилганлар: «Илм Чин-Мочин (Хитой)да бўлса ҳам, уни илаб толиб, эгаллангиз. Зеро, илми талаб қилиш ҳар бир муслмонга фарздор».

Дарҳақиқат, илм-маърифат дунёда азизлик, оқиратда шараф келтиради.

Хозирги кунда юртимизда «Жаҳолатга қарши — маърифат» фойси кенг тартибда этилмоқда. Зотан, ёшлар саводхонлигини ошириш, таълим-тарбиясини яхшилаш ва уларни бағрикенг қилиб тарбиялаш дунё аҳолисининг энг долзарб вазифаларидандир.

Эн-атрофимизга ҳақиқат кўзи билан қарасак, ҳали жаҳолат тўрлари борлигига гувоҳ бўламиз. Шунинг учун ҳам, бугунги ишларимизнинг барчаси жаҳолатга қарши маърифат билан курашга қаратилган. Инсонлар бошига тушадиган қулфатларнинг бош омили ҳам маърифатсизликдир. Булардан халос бўлишнинг ягона йўли илму маърифат эгаллаш.

Маъзур резолюциядаги эътиборли жиҳатлардан бири ҳам маърифатдир. У эрта ёшдан бошланган муҳим. Фақат шу йўл билан ўсиб келаётган авлодда бошқаларга нисбатан ҳурмат ҳиссини ва эъзулини шакллантириш мумкин.

«Маърифат ва диний бағрикенглик» резолюцияси муайян мамлакатдаги бағрикенгликни таъминлашга эмас, балки сайёрамиз аҳолисини тинч-тотув ҳаёт кечиршига ундаши билан янада аҳамиятли.

«Халқ сўзи» мухбирлари **Омонулла ФАЙЗИЕВ, Саиджон МАХСУМОВ** ёзиб олди.

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИ ДЕПУТАТЛАР ОЛДИДА ҲИСОБОТ БЕРДИ



Бу борада гап кетганда, депутатлар томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси сайё-ҳаракати билан Тошкент шаҳридаги 47- оилавий поликлиникада намунавий тарзда электрон поликлиника тизими ташкил қилингани, у амалиётда ўз самарасини кўрсатгани қайд этилди. Бироқ соҳа мутахассислари кенг эътироф этаётган ушбу тажрибани бошқа хуудларда ҳам жорий қилиш ишлари вазирилик томонидан ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Ханзугача хуудларда бўлачи муассасага бириктирилган аҳолининг электрон рўйхати шакллантирилган.

Маълумки, мамлакатимиздаги барча туман, шаҳар тиббиёт биришмалари таркибиде бепул хизмат кўрсатадиган шифохоналар мавжуд. Бироқ Тошкент шаҳар туманларида бундай шифохоналар йўқлиги сабабли пойтахт аҳолиси шаҳар шифохоналарида пулик асосда даволашнига мажбур бўляпти. Навоий вилоятининг Навоий ва Зарафшон шаҳарларида ҳам худди шундай ҳолатни кузатиш мумкин.

Бундан ташқари, туман, вилоят ҳамда республика миқёсидаги тиббиёт ташкилотлари ўртасида интеграцияни йўлга қўйиш борасидаги муаммолар ҳам депутатлар эътиборидан четда қолмади. Аналик ва болаликни муҳофаза қилиш, болалар касалликлари ҳамда ногиронлигининг олдини олиш йўналишидаги ишлари янада жонлантириш, бу борада илмий-амалий тадқиқотларни кучайтириш лозимлиги қайд этилди.

Муҳокамалар якунига кўра, кутарилган масалалар юзасидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг соҳадаги мавжуд муаммоларни бартараф этишга қаратилган аниқ тавсиялари акс этган қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.



Мьюша СЕВЕР, Словениянинг «Минтақавий мулоқот» нодавлат ташкилоти директори:

— «Маърифат ва диний бағрикенглик» махсус резолюцияси қабул қилиниши виждон ҳамда эътиқод эркинлигини таъминлаш борасида Ўзбекистон ташлаётган муҳим қадамларнинг дунё ҳамжамияти томонидан тан олиншидир. Бой тарихга эга мамлакатнинг янги сибсати бағрикенглик ва дўстона ислом маданиятини ривожлантириш, миллатларо ҳамжихатлик, таълим ҳамда маърифатни рағбатлантириш, шунингдек, инсон ҳуқуқлари ва диний эркинликларни ҳурмат қилишга

қаратилган. Ушбу ҳужжат дунё ҳамжамияти учун долзарб аҳамиятга эга. Айнан шунинг учун ҳам БМТга аъзо барча давлатлар уни бир овоздан қўллаб-қувватляди.

Юртингизда анчадан бери яшайман. Ҳамиша Ўзбекистон улкан салоҳиятга эга эканлигига ишонганиман, у дунё мулоқотида етакчига айланиши мумкин, жумладан, ушбу йўналишда ҳам. Оқирги икки йилда мамлакатда сезиларли ўзгаришлар содир бўлди. Туб ислохотлар нафақат Ўзбекистон, балки бутун минтақага ижобий янгилаанишлар олиб кирди, яқин кўшнлар билан дўстлик алоқалари мустаҳкамланди. Ўзбекистон раҳбарияти цивилизациялар ўртасида тўғридан-тўғри мулоқотни йўлга қўйиш борасида муҳим қадамлар ташляпти. БМТ Бош Ассамблеяси ялли сессиясида махсус резолюциянинг қабул қилиниши эса маъзур соҳада улкан юксалишларга хизмат қилади.

Шоазим МИНОВАРОВ, Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази директори:

— Дирёмимизда сўнги икки йилда Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Имом Бухорий ва Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Хадис илми мактаби, Мир Араб олий мадрасаси ташкил этилиши «Маърифат ва диний бағрикенглик» тамойилига мос тарзда юртимизда бу борада амалга оширилаётган ишларнинг салмоғи нечоғлик катта эканини кўрсатади. Ёшлар онги ҳамда тафқуруни ёт гоилардан хумос қилишда ислом динининг асл тинчликсеварлик, бағрикенглик, бунёдкорлик ва инсонпарварлик тамойилларини ҳамда аждодлардан қолган илмий-маърифий меросдан фойдаланиш гоёсини таълим ва тарбия ишларида кенг қўллашга киршилади.

бағрикенглик халқимиз табиатиға хос фазилатдир.

Ушбу халқаро ҳужжат диний бағрикенгликни таъминлаш орқали умумий тинчлик, ижтимоий адолат, дўстлик, тинч-тотув яшашга хизмат қилиши, шубҳасиздир.

Тараққийтимизнинг янги даврида бағрикенглик ва ҳамжихатликнинг қарор топтириш масаласи энг муҳим вазифалардан бири этиб белгиланди. Зеро, Парвардигор бандаларини бир-бирлари билан танишиб, тинч-тотув ҳамда ахилликда ҳаёт кечиршига буорган. Демак, ҳар бир шахсининг дини, миллати, келиб чиқишидан қатъи назар, аввало, унга инсонлиги учун ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш башариётнинг олижаноб фазилатларидандир.



ҳуқуқлари бўйича кенгашининг раиси этиб тайинланди. Ўзбекистон вакиллари Ислон ҳамкорлик ташкилоти Фан ва технологиялар бўйича кўмитаси (COMSTEC) ҳамда Ислон тарихи, санъати ва маданиятини ўрганиш халқаро маркази (IRCI) раҳбарияти кенгашиларида фаол иштирок этмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари, жумладан, диний эркинликлар масаласида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва ислохотларнинг амалий самарасидир.

МУРОЖААТЛАР МУТАСАДДИЛАР ЭЪТИБОРИДАН ЧЕТДА ҚОЛМОҚДА. НЕГА?



Вилоят маркази аҳлини ташвишга солаётган масалалар эса юқорисида қайд этилганидек, оз эмас. Хусусан, хууддаги ижтимоий объектлар фаолияти, шунингдек, 102 та маҳаллада истиқомат қилаётган оилалар турмуш шароити билан танишиш жараёнида 13 мингдан зиёд муаммолар юзга чиқди.

Одамларни кўпроқ нималар қийнапти? Табиий газ таъминоти соҳасида 4 минг 664 та, тураржой билан боғлиқ 2 минг 735 та, йўллар таъмири бўйича 756 та, қисқаси, кундалик турмушда учрайдиган бошқа йўналишларда ҳам қўллаб муаммолар аниқлангани ҳақиқий ахволни ойдинлаштиради.

Эътибор қаратилиши зарур бўлган камчиликлар соғлиқни сақлаш, таълим, электр энергияси таъминоти соҳаларида ҳам учрайди ва бу шаҳар аҳлининг эътирозига сабаб бўлмоқда. Одамлар бу хусусда маҳаллий ҳокимият ҳамда тегишли идораларга мувожаат қилишяпти. Бироқ муаммолар ҳаммиша ҳам ечимини топаётгани йўқ. Айрим раҳбарлар фаолиятида расмиётчилик, депутатлар фаолиятида хўжакўрсинлик кузатилади. Аҳоли ўз ечимини топмаган сўровлари юзасидан республика идораларига тақрор ва тақрор мувожаат қилишга мажбур бўляпти.

Ўрганишлар жараёнида ишчи гуруҳ ва сектор раҳбарлари ногиронлиги бор 40 нафар шахсга махсус аравачаларни топширди. 244 нафар фуқаро имтиёзли йўлланма билан шифохоналарга ётқизилди. Ички йўллар таъмири, кўчаларни ободонлаштириш бўйича анчагина иш қилинди. Барча ўрганилган хонадон ва объектларда аниқланган муаммолари масалалар «hudud.gov.uz» дастурига киритилди, маълумотлар базаси, фото ва видео материаллар тайёрланиб, сектор раҳбарларига тақдим этилди.

Сессияда ўрганиш якунлари, унда кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш бўйича «йўл харитаси» тасдиқланди.

АТОМ ЭНЕРГИЯСИГА ОИД ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ



Ўз навбатида, А. Лоқшин айни пайтда жаҳоннинг 12 мамлакатиде 36 та энергоблок кураётган «Росатом» давлат корпорацияси фаолияти ва тўплаган тажрибаси хусусида сўзлаб берди.

Қайд этилганидек, тақлиф қилинаётган Россия технологияси зилзила, цунами, бўрон, самолёт кулашидан ҳимоялаш

бўйича барча хавфсизлик талабларига ҳам жавоб беради. Бундан ташқари, энергоблок қўшхумоё қобилигига эга бўлиб, бу унинг эксплуатацияси хавфсизлиги ва атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаб беради. Энергоблокнинг хизмат кўрсатиш муддати 60 йилни ташкил қилади.

Муҳокамалар чоғида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатла-

ри томонидан атом электр станцияси майдонини танлаш, лойиҳалаштириш, курилиши ва кафолатланган эксплуатацияси жараёнидаги ҳуқуқий тартибга солишни таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Очиқ ва ўзаро ишонч руҳида кечган учрашувда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди.

ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ЙИЛЛИК МЕҲНАТ ТАЪТИЛИ ҚИСҚАРАДИМИ?

Давлатимиз раҳбари жорий йил 9 ноябрь куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида парламент қуйи палатасига олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг йиллик меҳнат таътилини 48 кундан 24 кунгача камайтириш масаласини ўрганиб, тегишли хулоса тайёрлаш бўйича кўрсатмалар берган эди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитасининг ушбу масала юзасида ўтказган кенгайтирилган йиғилишида тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари томонидан берилган тақлифлар, таҳлилий маълумотлар ҳамда хорижий тажриба муҳокама қилинди.

Мамлакатимиз таълим тизимига яқинроқ бўлган хорижий давлатлар, хусусан, Россия Федерацияси, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Беларус, шунингдек, Молдова республикаларининг тажрибалари чуқур ўрганилгани қайд этилди.

Муҳокамалар чоғида олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари меҳнат фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари, яъни юқори даражадаги ҳисҳаяжон, ақлий зўриқиш билан боғлиқ хоталар ҳам иштирокчилар эътибор марказида бўлди.

Шу билан бирга, бу борадаги қонунчилик таҳлил этилиб, қатор тақлиф ва мулоҳазалар ўртага ташланди. Чуноткин, Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти томонидан Меҳнат кодексининг 135-моддасига (йиллик узайтирилган асосий таътилар) педагоглар учун узайтирилган йиллик меҳнат таътили муддатини 24 иш кунидан 48 иш

кунигача уларнинг иш стажига боғлиқ ҳолда мутаносиб равишда белгилашга доир тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги тақлиф кескин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди.

Иштирокчилар фикрига кўра, Ўзбекистон Республикасининг бирон-бир норматив-ҳуқуқий ҳужжатиде таълим муассасалари ходимларига бериладиган йиллик узайтирилган таътилни муддати аниқ кўрсатилмаган. Шу боис мамлакатимиз таълим тизими хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, қонун ҳужжатларига ўқитувчи-профессорлар таркибининг ҳақ тўланадиган йиллик таътиларининг аниқ муддатини белгилайдиган нормалар киритилиши лозимлиги қайд этилди.

Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитасида Олий ва ўрта махсус таълим, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирликлари ҳамда Ўзбекистон Фанлар академияси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши вакиллари билан иборат ишчи гуруҳи шакллантирилди ҳамда қисқа муддат ичида маъзур масалани ҳар томонлама ўрганиб, чуқур таҳлиллар асосида ҳуқуқий ечим топшига келишиб олинди.

Зиёда АШУРОВА.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ҲУЗУРИДАГИ МАЖБУРИЙ ИЖРО БЮРОСИНИНГ «ЭЛЕКТРОН ОНЛАЙН-АУКЦИОНЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАРКАЗИ» ДУК онлайн-аукцион савдоларига тақлиф қилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки «Республика инкассация хизмати» давлат унитар корхонасининг Сурхондарё вилояти бошқармаси билан 2018 йил 30 ноябрда тузилган 263/2018-08-сонли шартномага асосан, <https://www.e-auktion.uz> электрон манзилдаги электрон савдо майдончасида **2019 йил 11 — 15 январь кунлари** ўтказиладиган очик аукцион савдоларига «Республика инкассация хизмати» ДУК Сурхондарё вилояти бошқармасининг қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилган:

Т/р	Автотранспорт русуми	Ишлаб чиқарилган йили	Давлат рақами	Лот рақами
1.	«GA3 31029»	1996 й.	75-049 DAA	0031952
2.	«YA3 31514-012»	1996 й.	75-116 САА	0031401
3.	«NEXIA COHC»	1998 й.	75-735 ААА	0031403
4.	«Volkswagen»	1996 й.	75-979 GAA	0031402
5.	«YA3 31514-10»	1996 й.	75- 718 OAA	0031942
6.	«Volkswagen»	1996 й.	75-289 ААА	0031944
7.	«YA3 31514»	1997 й.	75- 722 OAA	0031950
8.	«YA3 31514»	1996 й.	75-724 САА	0031949
9.	«YA3 31512-10»	1996 й.	75-094 САА	0031943
10.	«YA3 3909»	1998 й.	75-042 EAA	0031948
11.	«YA3 31512-10»	1996 й.	75-047 САА	0031951
12.	«DAMAS»	1999 й.	75-087 САА	0031946
13.	«NEXIA COHC»	1998 й.	75-736 ААА	0031941
14.	«NEXIA COHC»	1997 й.	75-064 САА	0031945
15.	«YA3 39091»	1998 й.	75-039 EAA	0031947

Автотранспортлар сақланаётган манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Ат-Термизий кўчаси, 7-«А» уй.

Талабгорлар диққатига! Аукцион савдоларида иштирок этиш — «E-IJRO AUKSION» ягона электрон савдо майдончаси ахборот тизимиде белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиш йўли билан амалга оширилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ҲУЗУРИДАГИ МАЖБУРИЙ ИЖРО БЮРОСИНИНГ «ЭЛЕКТРОН ОНЛАЙН-АУКЦИОНЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАРКАЗИ» ДУК онлайн-аукцион савдоларига тақлиф қилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки «Республика инкассация хизмати» давлат унитар корхонасининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси билан 2018 йил 30 ноябрда тузилган 261/2018-14-сонли шартномага асосан, <https://www.e-auktion.uz> электрон манзилдаги электрон савдо майдончасида **2019 йил 13 январда** ўтказиладиган очик аукцион савдосига «Республика инкассация хизмати» ДУК Қорақалпоғистон Республикаси бошқармасининг қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилган:

Т/р	Автотранспорт русуми	Ишлаб чиқарилган йили	Давлат рақами	Лот рақами
1.	«Ford Transit»	1996 й.	95 861 DAA	0032318
2.	«BA3 2108»	1992 й.	95 871 DAA	0032311
3.	«GA3 31029»	1996 й.	95 970 BAA	0032305
4.	«Daewoo Espero»	1997 й.	95 899 DAA	0032314
5.	«NEXIA GLE»	2005 й.	95 897 DAA	0032308
6.	«YA3 3151210»	1996 й.	95 852 DAA	0032304
7.	«YA3 315142-012»	1997 й.	95 138 EAA	0032300
8.	«YA3 315142-012»	2006 й.	95 143 EAA	0032307
9.	«YA3 31514»	2001 й.	95 154 EAA	0032301
10.	«NEXIA»	2007 й.	95 886 DAA	0032312
11.	«YA3 315142-012»	1997 й.	95 889 DAA	0032302
12.	«GA3 31029»	1996 й.	95 869 DAA	0032299
13.	«YA3 31514-10»	1995 й.	95 986 MAA	0032298
14.	«YA3 31514»	2001 й.	95 158 EAA	0032303
15.	«YA3 315142017»	2003 й.	95 148 EAA	0032315

Автотранспортлар сақланаётган манзил: Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, Хўжайли гузари, рақамсиз уй.

Талабгорлар диққатига! Аукцион савдосида иштирок этиш — «E-IJRO AUKSION» ягона электрон савдо майдончаси ахборот тизимиде белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиш йўли билан амалга оширилади.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОН

Йўл-транспорт ҳодисалари:

ЖАРИМАНИКУ ТЎЛАБ ҚУТУЛАРСИЗ, ФАЛОКАТДАН-ЧИ?..



солининг замонавий ва автоматлаштирилган тизими бошқима-бошқич таътиб этиляпти. Хусусан, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга эришиш мақсадида кўчаларга автоматизациялар ҳаракатини назорат қилувчи жами 1001 махсус кузатув камераси, 315 та фоторадар ва бошқа мосламалар ўрнатилган. "Йўл ҳаракати хавфсизлиги кун", шунингдек, "Автомобилсиз кун" акцияси ўтказилаётган. Шунга қара-

жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. — Кодекснинг 128³-моддаси учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмларидаги жарималар миқдори ва жазо тури ўзгарди, — дейди Қ. Бурханов. — Хусусан, ҳайдовчи бошқарувидаги транспорт воситаси билан мажбур модданинг учинчи қисмида белгиланган тезлик нормасини бузса, яъни ҳайдовчилар транспорт воситаси билан белгиланган нормадан соатига 40 километрдан юқори тезликда ҳаракат-

юқоридаги модданинг тўртинчи қисмига асосан, энг кам иш ҳақининг ўн беш баравари миқдоридан жаримага тортилади ёки бир йил муддатга транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилади. Шу тўғрисида ҳуқуқбузарликни содир этгани учун уч мартаба маъмурий жазога тортилгандан кейин бир йил давомида такроран шу ҳолатни содир этса, мажбур модданинг бешинчи қисмида қайд этилганидек, икки йил муддатга транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинади ва энг кам

ҳайдовчилар томонидан 201 марта йўл-транспорт ҳодисалари содир этилиб, 75 нафар киши ҳалок бўлган, 204 нафари жароҳатланган. Жорий йилнинг ўтган 11 ойида 154 та ана шундай автоҳалокат туфайли 67 нафар одам вафот этган, 166 нафари турли тан жароҳати олган.

Кўп ҳолларда транспорт воситалари ҳайдовчиларининг спиртли ичимлик ичган ёки ичмаганлигини аниқлаш мақсадида жорий этилган текширувга бориши талаб қилинади, улар бундан бош торттирарди. Бунинг учун ҳам қонуний жавобгарликка тортиш кучайтирилди. Хусусан, Кодекснинг 136-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, ҳайдовчи текширувга боришдан бош тортгани учун транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан бир йил олти ойдан 3 йилгача бўлган муддатга маҳрум қилиниб, қўшимча тарзда энг кам иш ҳақининг ўн беш баравари миқдоридан жаримага тортилади.

Афсуски, айрим ҳайдовчилар ҳаракат пайтида хавфсизлик қамарини тақийи ҳам ўзларига эп қўйишмайди. Ҳозир нафақат руддаги одам, балки ҳайдовчи ёнида ўтирган йўловчи ҳам хавфсизлик қамарини тақийи мажбур. Эндиликда унга риоъ этимаслик ҳам жарима солинишига сабаб бўлади.

Тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ҳайдовчиларнинг меҳнат режимида амал қилмаслиги, яъни кўнига саккиз соатдан ортиқ автотранспорт воситасини бошқариш, айниқса, йўналишсиз йўловчи ташувчилар (такси ҳайдовчилар)нинг кечаю кундуз дам олмасдан ишлаши ҳам автоҳалокатлар содир этилишига сабаб бўлмоқда. Демак, ушбу тоифадаги ҳайдовчиларнинг малакасини ҳам мутасил ошириб бориш мақсадаги мувофиқ.

Ғалирса гап, қидирса муаммо кўп. Лекин барчаси фуқароларнинг ўзига боғлиқ. Улар масъулиятни ҳис этиб, қондаларга амал қилса кифоя, ҳеч қандай бахтсиз воқеаларга "асос солинмайди". Чунки қизил чироқда ўтиш, тезликни меъёридан ошириш, пидедалар ва ҳайдовчиларни журмат қилмаслик, ҳаракат қондаларини билмаслик ёхуд била туриб ҳам унга риоъ этимаслик — тинч-осуда ҳаётни беҳаловат ва ташвишли "дунё"га алмаштириш билан баробар. Энди айтинг-чи, сиз қайси йўлни танлайсиз?

Раҳим ШЕРҚУЛОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

1

— Уйдан кўчага чиқдикми, ҳаммамиз ҳам йўловчи айланамиз, — дейди ИИБ Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бошқармаси бошлиғи Кутбиддин Бурханов. — Бу эса хавфдан бутунлай ҳолимиз, дегани эмас. Бунга юқорида қайд этилган таҳлиллар ҳам яққол исботлаб турибди. Рақамларни шунчаки айтиб ўтиш билан иш битмайди. Унинг ортида инсон тақдирини ётар экан, аввало, ҳайдовчиларнинг ҳам, пидедаларнинг ҳам масъулиятини янада ошириш долзарб аҳамиятга эга. Зеро, нафақат минглаб, балки битта автоҳалокатнинг содир бўлиши ҳам биз учун — фожиа. Ҳар биримиз масалага шу нуқтаи назардан ёндашишимиз шарт.

Сўнгги йилларда йўл ҳаракати хавфсизлигини ишончли таъминлаш соҳасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2018 — 2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш концепциясига мувофиқ, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, йўлларда ҳаракатни тартибга

масдан, йўл ҳаракати хавфсизлигини ишончли таъминлаш ишларида ҳамон камчиликлар кузатишмоқда.

Мутахассисларнинг айтишича, ҳайдовчилар ҳам, пидедалар ҳам йўл ҳаракати қондаларига тўлиқ риоъ қилмас экан, бундай бахтсиз ҳодисалар кузатилаверади. Шу боис тартибот ишларини кучайтириш зарур. Аҳоли, айниқса, ҳайдовчилар ўртасида тушунтириш тадбирларини аниқ мисол ва аянчи видеоназалар асосида олиб бориш яқши самара беради. Чунки йўл қондаларига амал қилмаслик бир ёки бир нечта одамнинг ҳаётдан кўз юмиши ёхуд оғир тан жароҳати олиши, ўнлаб фуқаролар ҳаётини издан чиқариб юборишини тушуниб этиши зарур.

Автоҳалокатларни кескин камайтириш мақсадида тегишли ҳуқуқий ҳужжатлар билан йўл ҳаракати қондалари ва уларга тўланадиган айрим жарималар миқдори ўзгартирилди. Чунки, жорий йил 22 октябрда имзоланган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган йўл ҳаракати ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун билан Маъмурий

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бошқармаси маълумотларига қараганда, ўтган йили йўл-транспорт ҳодисалари туфайли **2473** нафар фуқаро вафот этган, **9637** нафари жароҳатланган. Жорий йилнинг ўтган 11 ойида эса, бу кўрсаткич мос равишда **2066** ҳамда **7564** нафарни ташкил қилмоқда. Ушбу рақамлар йўл-транспорт ҳодисалари сони камайганини ифодаласа-да, лекин ҳали-ҳануз бундай ҳолатлар қайд этилаётгани ачинарли, албатта.

ланса, унга нисбатан энг кам иш ҳақининг тўққиз баравари миқдоридан жарима белгиланадиган бўлди. Ҳайдовчилар белгиланган тезликни нормадан оширгани сабабли икки мартаба маъмурий жазога тортилган бўла туриб, бир йил давомида ушбу ҳуқуқбузарликни такроран содир этса,

иш ҳақининг йигирма беш баравари миқдоридан жаримага тортилади. Автомашина бошқарувида маст ҳолда ўтириш — турли фалокатлар юз беришининг энг катта сабабларидан бири. Рақамларга эътибор беринг: 2017 йилда алкоголь маҳсулотлари истеъмол қилиб машина бошқарган

БОЖХОНА хабарлари

Ҳамма байрам тараддудиди, кимдир даромад илинжида...

Янги йил байрами яқинлашмоқда. Шу туфайли пиротехника воситалари савдосидек нопок йўл билан шуғулланиб, мўмай даромад орттириш ниятидаги кимсалар учраб турибди. Жумладан, Самарқанд шаҳридаги Фирдавсий кўчасида фуқаро Н. С. оғирлиги 5 килограммдан ортиқ пиротехника воситасини 3 миллион 600 минг сўмга пуллаётган пайтида қўлга олинди.



Термиз шаҳрида бўлиб ўтган тезкор тадбир давомида эса фуқаро Ж. С. салкам 7 миллион сўмлик жами 33 173 дона пиротехника воситасини сотаётган вақтида ушланди.

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманида фуқаро С. Д. ноқонуний йўллар билан олиб келинган, умумий қиймати 7,5 миллион сўмлик 15 дона пиротехника воситасини пуллаётган вақтда қўлга тушди.

Ҳозир ушбу ҳолатлар юзасидан дастлабки божхона текширувлари олиб борилмоқда.

Бароридан келмаган ов

Фаргона вилоятининг "Андархон" чегара божхона постида қўшни мамлакатдан кириб келган фуқаро Я. М. бошқарувидаги "Опел-Астра" русумли автомашина кўриқдан ўтказилди. Унинг саломида 9 дона 16 калибрли ов қуроли патрони яширинча олиб ўтилмоқчи бўлгани аниқланди.

Шаҳар бедарвоза эмас...



Андижон вилояти божхона бошқармаси тасарруфидидаги чегара божхона постлари орқали пидеда ҳаракатланаётган бир гуруҳ ёлланган фуқароларнинг қўл юклари божхона кўриқдан ўтказилганда, сифати ва истеъмолга яроқлигини тасдиқловчи ҳужжат ҳамда сертификатлари йўқ озик-овқат маҳсулотлари ноқонуний олиб киришлари маълум бўлди. Бу маҳсулотлар қонуний ҳал бўлганига қадар далалатнома асосида вақтинча сақловга топширилди.

Пойабзалга яширилган бойлик

Тошкент вилоятининг "Фишткўприк" чегара божхона постида фуқаро Р. Н.нинг курткиси ички чўнтагида оғзаки сўровда тақдим этилмаган ва йўловчи божхона декларациясида ёзиб кўрсатилмаган қиймати 21 миллион сўмлик, оғирлиги 696 грамм 175 дона оқ рангли металлдан ясалган заргарлик буюми борлиги аниқланди. Фуқаро Н. Г.нинг эса пайпоқлари ҳамда пойабзали ичига қиймати 13,5 миллион сўмлик, умумий оғирлиги 451 грамм бўлган 136 дона заргарлик буюми яширилгани аниқланди.

Давлат божхона қўмитаси ахборот хизмати материаллари асосида Ш. БЎТАЕВ тайёрлади.

ХАЛҚ БАНКИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ

ЮРИДИК ШАХСЛАР УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН

ҚУЙДАГИ ЯНГИ ДЕПОЗИТ СЕРТИФИКАТЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Сертификатларнинг номинал қиймати	50 (эллик) миллион сўм	
	100 (бир юз) миллион сўм	
	500 (беш юз) миллион сўм	
	1 (бир) миллиард сўм	
Чиқарилган ҳажми	100 (бир юз) миллиард сўм	
Муомала муддати ва йиллик устама фоиз миқдори	181 кундан 365 кунгача	Қайта молиялаштириш ставкаси минус 3,0 фоиз
	366 кундан 730 кунгача	Қайта молиялаштириш ставкаси минус 2,0 фоиз
	731 кундан 1095 кунгача	Қайта молиялаштириш ставкаси минус 1,0 фоиз

✓ **Депозит сертификатлар бўйича фоизлар ҳар ойнинг охири санасида ва депозит сертификатини қайтариш санасида тўлаб берилади;**

✓ **Жалб қилинган маблағлар қайтариллиши ва уларга ҳисобланган фоиз тўловлари ўз вақтида амалга оширилиши кафолатланади.**

Қўшимча маълумотларни қуйдаги телефонлар орқали олишингиз мумкин:

71-120-17-87, 71-120-17-86. Факс 71-120-17-87.

www.xb.uz

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Ўяллар 71-232-11-15.

ISSN 0010-0784

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1245. 71 717 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Тахририятга келган кўлабмақал тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзаси берилиши учун обунани расмийлаштиришга ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида термиди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан сақланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмаҳона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукров.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:
"Буюк Турон" кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.05 Топширилди — 00.20 1 2 3 4 5 6

Тадбиркорлар ва ташкилотлар раҳбарлари диққатиغا!

Бозорлар қуриш бўйича «NBU BUNYODKOR INVEST» МЧЖ дирекцияси

қуйдаги объект қурилиши юзасидан пудрат ташкилотини аниқлаш учун энг яхши таклифлар танлови бўйича очик харидлар ўтказилишини маълум қилади

- Лот №9041253. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 мартдаги ПҚ — 2853-сонли қарориди белгиланган лойиҳани амалга ошириш доирасида Қашқадарё вилояти, Муборак туманидаги «Муборак дехқон бозори» МЧЖни реконструкция қилиш ва унинг ҳудудида бир қаватли минимаркет, ёрдамчи иншооти билан III типли замонавий савдо мажмуасини қуриш.
Харид ишларининг охириги қиймати: ҚҚСни ҳисобга олганда 4 773 954 180 сўм, ҚҚСни ҳисобга олмаганда 3 978 295 150 сўмни ташкил қилади (ҚҚС билан бирга 20% — 954 790 836 сўм олинади);
- Лот №9041247. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 мартдаги ПҚ — 2853-сонли қарориди белгиланган лойиҳани амалга ошириш доирасида Наманган вилояти, Янгикўрғон туманидаги «Янгикўрғон дехқон бозори» МЧЖни реконструкция қилиш ва унинг ҳудудида бир қаватли минимаркет, ёрдамчи иншооти билан 150 ўринли енгил металл конструкциялардан тайёрланадиган йиғиш-ёйиш павильонини ўз ичига олган IV типли замонавий савдо мажмуасини қуриш.
Харид ишларининг охириги қиймати: ҚҚСни ҳисобга олганда 5 940 931 730 сўм, ҚҚСни ҳисобга олмаганда 4 950 776 442 сўмни ташкил қилади (ҚҚС билан бирга 20% — 1 188 186 346 сўм олинади).
Молиялаштириш манбаси: Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки маблағлари.
Қурилиш муддати: пудрат шартномаси имзоланган вақтдан бошлаб — **240 кун**.
Буюртмачи: **бозорлар қуриш бўйича «NBU BUNYODKOR INVEST» МЧЖ дирекцияси.**
Манзил: 100060, Тошкент ш., Яхё Фуломов кў., 95-уй, тел.: 71-236-23-18.
Савдоларда қатнашувчилар учун қуйдаги квалификацияловчи (таснифловчи) талаблар қўйилади: харид буюми қийматининг 20 фоиз ҳажмида айланма маблағлар ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни тақдим этиш бўйича банк кафолати, ишларни амалга ошириш учун зарур ишлаб чиқариш базаси, меҳнат ресурслари ва мутахассислар, шартнома имзолаш учун фуқаровий-ҳуқуқий лаёқат ҳамда ваколат, охириги уч йилда шу каби объектлар ва харид объектлари бўйича иш тажрибаси бўлиши керак.
Харид ҳужжатлари exarid.uzex.uz сайтыга жойлаштирилади.
Харидларда иштирок этиш учун савдо ташкилотчиси — **бозорлар қуриш бўйича «NBU BUNYODKOR INVEST» МЧЖ дирекциясининг** қуйдаги манзилига мурожаат қилиш лозим:
Тошкент ш., Яхё Фуломов кў., 95-уй, тел.: 71-236-23-18, 71-233-83-27; электрон почта — nbu.direksiya@mail.ru.
Харид ташкилотчисига таклиф юборилиши охириги муддати — 2018 йил 23 декабрь.

Таклифларни очиб 2018 йил 24 декабрь кунини соат 11:00 да қуйдаги манзилда бўлиб ўтади: Тошкент шаҳри, Яхё Фуломов кўчаси, 95-уй.

«ХАЛҚ СЎЗИ»

ЭЪЛОНЛАР

КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
71-232-10-63,
71-232-11-15.

E-mail: reklamaxs@mail.ru
reklama@xs.uz

1 2 3 4 5 6